



Абдурахим НОСИРОВ
Халқ таълими вазирлиги
умумтаълим ва
ихтисослаштирилган мактаблар
бошқармаси бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАРГА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШ ҚАНДАЙ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республикаимизнинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишнинг муҳим омилларидан бири сифатида кўрсатилган. Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар бугунги давр, замон талабларига жавоб бера оладиган, мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, дунё интеллектуал мулкнинг истеъмолчисинигина эмас, балки уни яратишга, бойитишга қодир баркамол авлодни, етук мутахассисларни тайёрлашга қаратилган.

Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мазмун-моҳиятида ҳам шу мақсад ўз ифодасини топган. Жумладан, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор усуллари жорий этиш йўли билан, ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон тамаддуни ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш олдимизга муҳим вазифалардандир.

Айни пайтда, республикадаги 9698 та умумтаълим мактабининг барчасида чет тиллар, яъни: 8643 та мактабда инглиз, 1589 та мактабда немис, 1076 та мактабда француз ва 27 та мактабда турли (испан, ҳинд, араб, корейс, хитой ва ҳоказо) тиллар ўрганилмоқда. Уч ярим миллиондан зиёд

Ўқувчилар чет тилларни жаҳон таълим стандартлари асосида ўзлаштиришга киришди. Республикаимизнинг чекка туман ва овулларидаги мактабларда ҳам замонавий фан кабинетлари ташкил этилиб, барча зарур ўқув жиҳозлари, кўرғазмалли куруллар, мукамал ўқув-методик мажмуалар билан таъминланмоқда. Биргина шу мисолнинг ўзидан айна мақсад учун давлатимиз бюджетидан жуда катта миқдорда маблағ ажратилиётганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Шу боис бу жараёнга дахлдор бўлган ҳар бир киши – хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳу ижрочи – масъулиятни бирдек ҳис этишимиз, амалга ошираётган ишларнинг сифати, самараси ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўникма ва малака билан ўлчанишини англашимиз зарур.

Ўқувчиларга ҳарбир ўқув фани дарслик воситасида ўқитилади. Дарсликнинг мазмун ва шакл жиҳатларидан мукамаллиги таълим самарадорлигини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Президентимизнинг мазкур қарори ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган салмоқли ишлардан бири, бу – чет тилларни ўргатиш учун болаларнинг ёши, дунёқараши, ақлий ва жисмоний ривожланишига мос дарсликлар яратишнинг такомиллашган механизми йўлга қўйилганлигидир. Ўтган ўқув йилида 1-синф ўқувчилари чет тилларни янги Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланган дарсликлар ёрдамида ўрганишни бошладилар. Ўқувчи китоби, ўқитувчи учун қўлланма ва мультимедиали дискдан иборат “Kid’s English” (инглиз тили), “Deutsch macht spab” (немис тили) ва “Hirondelle” (француз тили) дарслик-мажмуалари мактабларда ўзининг илк ўқувчилари синовидан муваффақиятли ўтди. Шу ўқув йилида мазкур дарслик мажмуалари 591326 нусхада (553313 нусхаси – инглиз тили, 21082 нусхаси – немис тили, 16 931 нусхаси – француз тилида) қайта нашр этирилиб, 2 сентябрь куни Президент совғаси сифатида бу йилги 1-синф ўқувчиларига топширилди. 2-синфлар учун ҳам янгидан яратилган жами олти юз мингга яқин чет тили дарслик-мажмуалари DVD дисклари билан бирга мактабларга етказилди.

Шунингдек, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-, 6-, 8-, 9-синфларида дарс бераётган ўқитувчилар учун ҳам чет тиллар бўйича янги ДТС талаблари асосида методик қўлланмалар қайта яратилиб, чоп этилди. Жумладан, 22440 нусха қўлланма ва яна шунча мультимедиа DVD дисклари кўпайтирилиб, жойларга етказилганлиги ўқувчиларнинг чет тилларни ўрганиш имкониятини янада кенгайтди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 143-сонли қарори билан тасдиқланган дастур асосида 2013–2016 йилларда умумтаълим мактабларининг 1–4-синфларига мўлжалланган чет тиллар кабинетларини 17222 тўплам техник восита ва анжомлар, 5–9-синфларга мўлжалланган чет тиллар кабинетларини эса 8735 тўплам компьютер жамланмаси билан жиҳозлаш белгиланган. Ҳозирги кунгача бошланғич синфларда чет тилларни ўқитиш учун 17222 та чет тили хонаси ташкил этилиб, уларнинг барчаси DVD-магнитола, ўқув-кўрғазмалли куруллар, луғат ва адабиётлар билан таъминланди. Дастурга асосан, 2013 йили 2457 та шундай синфга ноутбук, проектор ва бошқа техник воситалар етказилган бўлса, 2014 йили 4193 та бошланғич синф ва 1500 та

юқори синфларга мўджалланган чет тили кабинетлари учун жиҳозлар етказиб берилди.

2015 йилда 1–4-синф чет тиллар кабинетларининг 5286 синф тўплам техник воситалар билан таъминланиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу жиҳозлар ва 5–9-синф чет тиллар кабинетлари учун харид қилиниши белгиланган 2800 тўплам компьютер техникасининг 1303 тўплами Хитой Халқ Республикаси гранти маблағлари ҳисобидан, қолган 1497 тўплам Жанубий Корея Республикасининг Эксим банки кредит маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Қарорда умумтаълим мактабларини малакали чет тили ўқитувчилари билан таъминлаш, чуқур билимга эга кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу масалада ҳам мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда муайян ишлар амалга оширилди, олий таълим муассасалари билан биргаликда яқин истиқболдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларида жами 27342 нафар чет тили ўқитувчиси фаолият юритмоқда. Улардан 21611 нафари (77,3 фоизи) инглиз тили, 3324 нафари (13,3 фоизи) немис тили, 2302 нафари (8,9 фоизи) француз тили ва 105 нафари (0,4 фоиз) бошқа чет тиллар ўқитувчиларидир. Бироқ, барча мактабларимиз билим, тажриба ва маҳорат бобида етук мутахассис-ўқитувчилар билан тўлиқ таъминланди, дея олмаймиз.

2013-2014 ўқув йилида чет тили ўқитувчиларига бўлган мавжуд эҳтиёжнинг (3970 ставка) қарийб қирқ фоизи (1429 ставка) олий таълим муассасаларининг битирувчилари, қолган қисми эса фаолиятдаги ўқитувчиларнинг педагогик юкмасини 1,5 ставкагача ошириш ҳисобидан қопланган эди. Шу ўқув йилида жами 47 та узоқ туман ва қишлоқ аҳоли пунктларида чет тиллар ўқитувчилари ихтисослиги бўйича етишмайдиган кадрларни тайёрлаш мақсадида олий таълим муассасаларига 255 нафар абитуриент имтиёзли қабул қилинди.

2014–2015 ўқув йилида эса чет тили ўқитувчиларига эҳтиёж юқори бўлган мактаблар учун республикамиз бўйича 586877 нафар ўқувчи 1-синфга келиши муносабати билан чет тили ўқитувчиларига кўшимча эҳтиёж жами (1 ставка ҳисобидан) 2915 ставкани ташкил этди. Шундан 977 ставкаси дарс соатларини 1 ва 1,5 ставкага ошириш ҳисобидан, қолгани 1938 нафар ишга қабул қилинган ёш мутахассислар ҳисобидан қопланди. Элликта чекка тумандан келган, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини топшириб, минималл кўрсаткичдан юқори балл тўплаган абитуриентларнинг 200 нафарига имтиёзлар яратилди.

2015-2016 ўқув йилида чет тилларни ўқитиш 3-синфларда давом эттирилиши туфайли тахминан 2500та штат бирлигига кўшимча эҳтиёж юзага келиши мумкин. Ушбу эҳтиёжни 460 нафар штатда амалда ишлаб турган

ўқитувчиларнинг дарс соатларини 1 ва 1,5 ставкагача ошириш, 240 нафар француз ва немис тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва 1800 нафар битирувчини ишга қабул қилиш ҳисобидан қоплаш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, 2019–2020 йилларгача чет тили ўқитувчиларига эҳтиёжни қоплаш прогнози шакллантирилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кадрлар таъминоти масаласини эҳтиёжни фақатсон жиҳатдан қоплаш билан эмас, балки чет тилларни мукамал биладиган, педагог сифатида юқори салоҳиятга эга бўлган ўқитувчиларнинг дарс беришига эришиш орқали тўлиқ ҳал этиш мумкин. Уларнинг мунтазам равишда малака ошириб бориши, ўз устида ишлаши учун шарт-шароит, муҳит яратилиши талаб этилади. Шу мақсадда 2013 йили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети базасида тайёрланган 160 нафар инглиз, 45 нафар немис ва 42 нафар француз тили бўйича ўқитувчи-тренерлар ёрдамида 144 соатлик махсус дастур асосида жами 25310 нафар (19808 нафар инглиз, 3267 нафар немис, 2235 нафар француз тили) чет тили ўқитувчисининг малакаси оширилди. 2014–2015 ўқув йили арафасида янгидан яратилган 2-синф чет тили дарслик мажмуаларидан фойдаланиш тартиби ва методикасини ўргатиш бўйича ташкил этилган 36 соатлик махсус курсларда тренерлар тайёрланиб, улар томонидан ҳудудий малака ошириш институтларида 17417 нафар чет тили ўқитувчилари ўқитилди. Шунингдек, 500 нафардан ортиқ турдош фан ўқитувчилари инглиз тили ўқитувчилига қайта тайёрловдан ўтди.

2013 йилнинг сентябридан бошлаб тизимдаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларида барча тоифалар ўқув режа ва дастурларига 8 соатлик “Хорижий тил асослари” модули киритилгани ҳам ўқитувчилар малакасини ошириш йўлида қўйилган салмоқли қадамлардан бири бўлди. Шунингдек, республика бўйича 5 та ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент, Наманган вилоятлари)нинг 2 тадан мактабида чет тиллар ўқитилиш ҳолатининг доимий мониторинги олиб борилмоқда. Таҳлиллар асосан, “Бола психологияси”, “Муаллимнинг малакаси” ва “Илмий ёндашув” каби йўналишларда олиб борилаётир. Чет тили бўйича таянч мактабларда олий таълим муассасалари, малака ошириш институтларининг тажрибали чет тили мутахассислари, тренер-ўқитувчилар иштирокида “Маҳорат мактаблари” фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

Чет тили ўқитувчиларини рағбатлантиришнинг ўзига хос тизими яратилгани ҳам уларнинг фидойилик билан меҳнат қилиш, ўз вазифасига ижодий ёндашишга руҳлантиради. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 апрелдаги 109-сонли қарори билан қишлоқ жойлардаги таълим

муассасаларининг чет тили ўқитувчиларига 30 фоиз, шаҳар мактаблари ўқитувчиларига 15 фоиз қўшимча устама белгилаш тартиби тасдиқланди. Бироқ Давлат тест маркази томонидан чет тили фани ўқитувчиларига устама ҳақ белгилаш мақсадида ўтказилган синовларда иштирок этган педагогларнинг натижалари бугунги кунда қониқарли эмаслиги, уларнинг малака даражасини кўтариш, билимларини бойитиш ва маҳоратини ошириш борасида ҳали бажарадиган ишларимиз кўплигини кўрсатиб турибди.

Ҳукуматимиз топшириғи билан ислохотларнинг амалга оширилиши жойларда мунтазам ўрганиб борилмоқда. Унда асосий эътибор мактабларда чет тилларни ўргатиш ҳолати, чет тили кабинетларининг жиҳозланганлиги, дарслик, ўқув-методик қўлланмалар, кўргазмали воситалар билан таъминланганлик, ўқитувчиларнинг билими, дарс ўтиш маҳорати, 2-синф ўқувчиларининг мазкур ўқув фанидан ўзлаштириш даражасига қаратилди.

Барча ҳудудлардан (сайланма тарзда) танлаб олинган 160 нафар чет тили ўқитувчисининг дарс бериш маҳорати тегишли мезонлар асосида 5 баллик тизимда баҳоланганда, уларнинг кўрсаткичи республика бўйича ўртача 4,0 баллни ташкил этди. Таҳлил натижаларига кўра, ўқувчилар эгаллаган билим даражасига келсак, улар кўрсатган натижалар ўқитувчиларники билан деярли бир хил эканлигига гувоҳ бўлдик. Бу бизга бир ҳақиқатни, яъни ўқитувчи қандай бўлса, унинг ўқувчиси ҳам шундай бўлади, – деган нақлнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор эслатади.

Албатта, бошланғич синфларда ҳали мактаб муҳитига тўлиқ мослашиб улгурмаган болалар билан ишлашда педагогдан жуда катта маҳорат талаб этилади. Уларга ўз она тили билан бирга чет тилини ҳам баравар ўргатишда алоҳида ёндашув, методика муҳим ўрин тутди. Ўқувчиларда, биринчи навбатда, мотивацияни, яъни нима учун чет тилни ўраганиши зарурлиги, келажакда кўп тилни билиш унга қандай имконият ва қулайликлар яратиши мумкинлиги ҳақидагитушунчани шакллантириш ва шу йўлдаги интилишини кўчайтириш ўқитувчи зиммасидаги асосий вазифалардан бирига айланиши лозим.

Чет тили ўқув фани ўқитувчиларининг билим ва малкаларини ошириб боришга келсак, бунга жойларда фаолият кўрсатаётган методистлар салоҳиятини кўтармасдан эришиб бўлмаслигини ёдда тутиш керак. Шу маънода, ўқитувчиларга илғор таълим методлари, усуллари ва мавжуд тажрибаларни ўргатадиган методистлар ўз фани бўйича энг билимдон, энг тажрибали ва юксак педагогик маҳорат соҳиблари бўлиши зарур. Бироқ бу борада ҳам ҳал этилиши керак бўлган муаммолар мавжуд. Вилоят халқ таълими бошқармалари қошидаги методика марказида 14 нафар ва 193 та туман (шаҳар) таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларида биттадан чет тили методисти фаолият олиб бормоқда. Бу ўринда ҳам масалага сон жиҳатдангина ёндашсак хато қиламиз.

Негаки, фаолият кўрсатаётган методистларнинг барчаси ҳамталабга бирдек жавоб бера олмаслигини натижалар кўрсатмоқда.

Методистларнинг тажрибасини ошириш мақсадида чет тиллар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва методикаларини ўргатиш юзасидан малака ошириш курслари такомиллаштиришни талаб этади. Чунки, чет тили ислохотларнинг тепасида туман(шаҳар) даражасидаги чет тили методистларининг роли жуда ҳам катта. Агар уларнинг ўзлари бугунги кун талабига жавоб бермаса, ўзлари чет тилида гаплаша олмаса, чет тили ўқитиш методикаларини бошқа ўқитувчилар даражасида билмаса қўйилган вазифалар ижроси ҳаминқадар бўлиши табиий. Қолаверса, 2014 йил декабр ойида “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилиниб, методистларнинг ойлик маошлари оширилди, яъни вилоят методистларининг ойлик маоши бошланғич синф ўқитувчиларига, туман методистлариники эса юқори синф ўқитувчилариникига тенглаштирилди. Энди методистларимиз турли баҳоналарсиз, энгни шимариб ишлашлари керак.

Таҳлиллар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аввало, чет тили ўқитувчиларининг салоҳиятини оширишимиз зарур. Бунинг учун биринчи галда педагогларнинг ўз устида мунтазам ишлаши, малакасини ошириб бориши ва уларга сифатли методик хизмат кўрсатишни каби ишларни самарали йўлга қўйиш муҳим.

Марказий ва ҳудудий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида фаолият юритаётган чет тили ўқитувчилари, халқ таълими бошқарув органларидаги чет тили методистларининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошида янги ташкил этилган инновацион марказда малака оширишини ташкил этиш, ҳар бир туман(шаҳар)да ташкил этилган таянч мактаблар базасида ўқитувчилар учун мунтазам равишда маҳорат дарсларини ташкил этиш орқали уларнинг узлуксиз малака ошириб боришларига шарт-шароит яратиш каби бир қанча вазифалар режалаштирилди. Шунингдек, чет тили ўқитувчиларига амалий-методик ёрдам кўрсатишга қаратилган “Видео-методик-хизмат” фаолиятини янада кучайтириш, ўқувчиларга бошланғич синфларда чет тилини ўргатиш жараёнига ота-оналарни яна ҳам кенгроқ жалб қилишнинг самарали йўллари амалга татбиқ этиш чоралари кўрилмоқда.

Жумладан, халқ таълими тизимидаги чет тили ўқитувчиларининг касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратини ошириш мақсадида туман (шаҳар) даражасида узлуксиз малака ошириш механизми жорий этилмоқда. Бунинг учун республикамизнинг барча туман(шаҳар)идан энг тажрибали, чет тилини юқори даражада биладиган, биринчи навбатда, ДТМ томонидан тегишли устама учун ўтказилган тест синовларида юқори натижага эришган

Ўқитувчилар салоҳиятидан самарали фойдаланиб, улар тренер сифатида тайёрланмоқда. Бу жараён Республика малака ошириш институти базасида Британия кенгашининг юртимиздаги ваколатхонаси, Вестминстер, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, ЎзДЖТУ каби олий таълим муассасаларининг малакали мутахассислари ёрдамида амалга оширилмоқда. Курсларнинг мазмунини белгилашда асосан уч йўналишга, яъни чет тили ўқитувчиларининг касбий салоҳиятини юксалтириш, педагогик маҳоратини ошириш ва уларни ДТМ тест форматига тайёргарлик даражасини таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Мазкур курсларда тренер сифатида тайёргарликдан ўтган ўқитувчилар белгиланган таянч мактабларда машғулоти олиб борадиган ўқитувчи сифатида ҳудудий малака ошириш институтларига соатбой ўқитувчи сифатида ишга расмийлаштирилади.

Ушу тренерлар ҳар бир туман(шаҳар)да ташкил этилган, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган таянч мактабларда бир ойда 3 марта 6 соатдан, 18 соат ҳажмида чет тили ўқитувчиларининг методик куни –жума кунлари ўз ҳудудидаги барча чет тили ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз равишда ошириб боради. Гуруҳлардаги тингловчи ўқитувчиларнинг машғулотларда иштирок этиши тренерлар томонидан журналда белгилаб борилади, уларнинг ўзлаштириш даражасижорий ва оралиқ назоратлар орқали баҳоланади.

Албатта, ҳар қандай жараён катъий тартиб-қоида ва назорат остида кечганда ўз самарасини беради. Айниқса, таълим-тарбия соҳасида мунтазам кузатув, мониторингнинг аҳамияти катта. Негаки, белгиланган вақт, давр мобайнида ўқувчи томонидан ўзлаштирилмаган билим, кўникма ва малаканинг ўрнини кейинчалик тўлдириш жуда мушкул. Шундан келиб чиққан ҳолда, чет тили ўқитувчиларининг методик маҳорати ва тилни билиш даражасини холис баҳолаш, амалга оширилаётган тадбирлар натижасида бу борада улар эришаётган ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилиб бориш учун ҳудудий малака ошириш институтлари ректорлари бошчилигида комиссиялар тузиш ва бир йилда икки марта ҳар бир ўқитувчидаги ўзгаришларни якуний аттестациялар ўтказиш орқали аниқлаб, хулосалар тайёрланади, қарорлар орқали рамийлаштириш ва уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда курслар мазмунига тузатишлар киритиб бориш таъминланади.

Тингловчиларнинг чет тили бўйича билим, малака ва кўникмаларининг ўзгариб бориши уларнинг 4 та нутқ фаолияти: тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш ва дарс ўтиш маҳоратини баҳолаш орқали аниқланади. Бир йилда 2 марта ўтказиладиган якуний аттестация натижаларига кўра, мукамаллик, яъни 5 та йўналиш бўйича 75 ва ундан ортиқ фоиз натижаларга эришган ўқитувчиларга сертификатлар берилади ва улар машғулотлардан озод

этилади. Машғулотлар гуруҳда қолган ўқитувчилар билан давом эттирилаверади.

Тажрибали ўқитувчилардан тренер ўқитувчи тайёрлаш учун, биринчи навбатда, курслар ўқув режаси ва ўқув дастурларини сифатли ва эҳтиёжга мос равишда тайёрлаш жуда муҳим жараён дир. Ушбу масъулиятли ишларни амалга оширишда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва унинг қошидаги янги ташкил этилган инновацион марказнинг тажрибали мутахассислари бевосита иштирок этиб, ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Жойларда олиб бориладиган ҳар бир машғулотлар учун ўқув материаллари тайёрланиб, таянч мактабларга етказилади.

Вақти-вақти билан видеодарслар уюштирилади, ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишга қаратилган қўшимча методик тавсиялар тақдим этиб борилади, юзага келган муаммоларни тезкор бартараф этиш чоралари кўриб борилади.

Сир эмас, республикамизнинг чекка ҳудудларидаги мактабларни чет тили ўқитувчилари билан таъминлаш масаласи ҳали тўлиқ ҳал этилмаган. Бу борада ҳам вазирлик томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда келгуси ўқув йилидан 3-синфда чет тили ўқитилиши муносабати чет тили мутахассислари тайёрловчи мавжуд олий таълим муассасалари билан биргаликда битирувчиларни эҳтиёж мавжуд мактабларга йўллаш чораларини кўриш, уларни қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит яратиш, яъни уй-жой билан таъминлаш, уй-жой қуриши учун имтиёзли кредит маблағлари ажратиш борасида туман(шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш белгилаб олинди. Ҳар чоракда ҳудудий халқ таълими бошқаруви органларининг мазкур вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ҳисоботи тингланиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларнинг бажарилишини таъминлашга эришишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Келгусида ишимизни янада самарали ташкил этиш, айнан бир хил камчилик ва муаммоларга қайта-қайта дуч келавермаслик учун ҳозирданок 2015-2016 ўқув йилида амалга ошириладиган ишлар мазмун-мундарижасини аниқ белгилаб олиб, пухта режа тузишимиз, фаолиятимизни шу асосда ташкил этишимиз лозим. Шу маънода, келгуси 1-синф ўқувчилари учун 641000 нусха дарслик, ўқитувчилар учун 21000 нусха ўқув қўлланмаси (мультимедиа иловалари билан), 2-синф ўқувчилари учун 592000 нусха иш дафтариини нашр этириб, таълим муассасаларига етказиш, халқаро экспертлар, маҳаллий методист олимларни жалб этган ҳолда бошланғич синфларда чет тилини ўқитиш муаммолари бўйича илмий-

амалий анжуманлар мавзуларини аниқлаштириш, умумтаълим мактабларида чет тилларни ўқитишнинг ҳозирги ҳолати, яратилган давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ҳамда дарсликларни такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг малака даражасини мунтазам равишда ўрганиб бориш, ўқувчиларнинг чет тилларни ўзлаштиришдаги психологик ҳолатини таҳлил қилишнинг доимий мониторингини кучайтириш, чет тилини ўргатиш жараёнини янада фаоллаштириш, чет тили ўқитувчилари ва ўқувчиларни моддий рағбатлантиришни йўлга қўйиш, турли танловлар ўтказиш, натижаларга кўра хориж сафарларини ташкил этиш каби вазифалар шулар жумласига киради.

Умумтаълим мактабларининг 3-синфлари учун чет тиллар бўйича ўқув-методик мажмуалар (дарслик ва ўқувчилар учун иш дафтари, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, мультимедиа иловалари) яратилди ва жорий йилнинг 12 январидан 20 мартга қадар Республиканинг 76 та мактабида инглиз тилидан, 28 та мактабида француз ва 28 та мактабида немис тилидан тажриба-синовдан ўтказилмоқда. Тажриба-синов яқунлари бўйича ва чет эллик экспертларнинг хулосалари асосида ўқув-методик мажмуалар такомиллаштирилади. 2015-2016 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 3-синф ўқувчилари учун 593000 нусха дарслик ва иш дафтари, ўқитувчилар учун 21000 нусха ўқув қўлланмасини мультимедиа иловалари билан тайёрлаш ва етказиб бериш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 2015-2016 ўқув йилида 3-синфларга дарс берадиган чет тили ўқитувчиларининг тажрибасини ошириш мақсадида янги яратилган дарслик мажмуасидан фойдаланишни ўргатишга йўналтирилган 36 соатлик махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш кўзда тутилган. Бунинг учун амалдаги тажрибалар асосида ўтган 2 йил давомида тренерлик қилган 243 нафар ўқитувчи ҳудудий малака ошириш институтлари базасида ташкил этиладиган мазкур махсус курсларда машғулотларни олиб боради. Тегишли маълумотнома олган ўқитувчилар 3-синфларга дарс бериш ҳуқуқига эга бўлади. Албатта, буларнинг барчасиюртимиз келажагининг эгалари – ҳар томонлама етук баркамол авлодга тўғри таълим ва тарбия беришда салмоқли ҳисса бўлиб қўшилади.